

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил июнь ойининг 14 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган туман суди, ўзи биносида, очик суд мажлисида, туман судининг раиси А.Кенжабаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Мўминалиевнинг котиблигида, давлат айбловчиси – Наманган туман прокурори катта ёрдамчиси Т.Якуббаев, судланувчи М.Абдуллаев ва унинг ҳимоячиси – адвокат Р.Усманов, жабрланувчи Б.Ганиевнинг иштирокида, Абдуллаев Мирзабдулла Убайдулла ўғлига оид 1-1602-2401/119-сонли жиноят иши кўрилди.

Абдуллаев Мирзабдулла Убайдулла ўғли, 1985 йил 21 июлда Наманган туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, мукаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ туман судининг 2021 йил 6 сентябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖК 57,62-моддаларига асосан 2 йил 11 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;
2. Жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2021 йил 21 октябрдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57,59,62-моддалари тартибида 2 йил 11 ой 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ва 11.038.500 сўм жарима жазосига судланган;
3. Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2022 йил 17 февралдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари, 167-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари билан ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;
4. Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2022 йил 29 апрелдаги ҳукмига кўра, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан ЖК 59,62-моддаларига асосан 5.265.000 сўм жарима жазоси ва 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;
5. Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2022 йил 3 августдаги ҳукмига кўра ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 176-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан ЖКнинг 57,59,61-моддаларига асосан базавий



ҳисоблаш миқдорининг 32,5 баравари миқдорида 7.962.500 сўм жарима ва 1 йил 6 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

6. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2022 йил 7 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖК 57, 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 160 баравари миқдорида 35.680.000 сўм жарима жазоси ва 1 йил 6 ой 27 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган;

7. Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2024 йил 29 февралдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57,59-моддалари, 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 160 баравари миқдорида 35.680.000 сўм жарима жазоси, 5 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, Наманган тумани, “Ибрат” МФЙ, Янги аср кўчаси, 44-уйда яшаган, қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси туман судининг 2024 йил 19 апрелдаги ажрими билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 4 апрелда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Абдуллаев 2020 йил октябрь ойида Наманган вилояти, Учкўрғон тумани, “Бўстон” МФЙда яшовчи Б.Ганиевга Андижон вилояти, Улуғнор тумани, “Фаровон” МФЙда яшовчи С.Лутфиддиновга тегишли бўлган “Ласетти” русумли, 50L 4790A давлат рақам белгили автомашинани ўзига тегишли эканлигини, ҳужжатларида ҳеч қандай муаммо бўлмаслигини айтиб, алдаб, 6.800 АҚШ доллариға сотиб, пуллариғни тўлиқ олиб, автомашинани Б.Ганиевнинг номиға расмийлаштириб бермасдан, унинг анча қордаги 70.447.184 сўмға тенг пул маблағини қўлга киритган.



Судланувчи М.Абдуллаев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2020 йилда Андижон вилояти, Улуғнор туманида яшовчи С.Лутфиддиновдан “Ласетти” русумли, 60L 4790A давлат рақам белгили автомашинани 6.500 АҚШ долларига сотиб олиб, пулини тўлиқ бергани, октябрь ойида ушбу автомашинани Б.Ганиевга ўзаро келишув асосида 6.800 АҚШ долларига сотиб, пулини тўлиқ олгани, Б.Ганиевни С.Лутфиддинов билан таништириб қўйиб, ҳужжатлаштириб олишини айтгани, шундан сўнг Б.Ганиев автомашинани номига расмийлаштириб олган деб ўйлагани, 2021 йил март ойида автомашина олди-сотдиси билан шуғулланувчи Махмуд исмли танишидан “Дамас” русумли, 01С 688ЕВ давлат рақам белгили автомашинани 8.000 АҚШ долларига ўзаро келишиб, 4.000 АҚШ долларини бериб, қолган 4.000 АҚШ долларини 10 ой муддатда ойма-ой тўлаб бериш шарти билан сотиб олгани, Махмуд унга автомашинанинг кредит қарздорлиги борлигини, пулини тўлаб бергунига қадар кредит қарздорлигини тўлаб беришини, автомашинани бошқа шахсга сотса, сотиб олган шахсинг номига ишончнома расмийлаштириб беришини айтгани, 2021 йил апрель ойида “Дамас” автомашинасини С.Лутфиддиновга ўзаро келишув асосида 6.900 АҚШ долларига сотиб, унга автомашинани кредит қарздорлигини айтиб, сотиш ҳуқуқисиз ишончнома қилдириб бергани, 2021 йил август ойида қамокқа олиниб, 2022 йил февраль ойида озодликка чиққанида яшаш уйига Б.Ганиев келиб, у сотган “Ласетти” русумли,

60L 4790A давлат рақам белгили автомашинани С.Лутфиддинов олиб кетганини айтгани, ҳозирда Б.Ганиевга 6.800 АҚШ долларини қайтариб, етказилган зарарни қоплаганини билдириб, енгиллик берилишини сўраб, кўрсатув берди.

Жабрланувчи Б.Ганиев суд мажлисида, 2020 йил октябрь ойида М.Абдуллаевдан “Ласетти” русумли, 50L 4790A давлат рақам белгили автомашинани ўзаро келишиб, 6.800 АҚШ долларига сотиб олгани, М.Абдуллаев унга автомашинанинг ҳеч қандай муаммоси йўқлигини, автомашина Андижон вилояти, Улуғнор туманида яшовчи С.Лутфиддиновнинг номида эканлигини айтиб, у билан учраштириб қўйгани, ўша вақтда автомашинани номига расмийлаштириш учун пули бўлмагани учун С.Лутфиддинов унга сотиш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштириб бергани, М.Абдуллаев қамалиб қолган вақтида С.Лутфиддинов келиб, М.Абдуллаев билан ўртасида бошқа автомашина бўйича олди-бердиси борлигини айтиб, “Ласетти” русумли автомашинани олиб кетиб, М.Абдуллаев унга сотган “Дамас” русумли автомашинани номига расмийлаштириб берганидан сўнг автомашинани қайтариб беришини айтгани, ҳозирда М.Абдуллаев 6.800 АҚШ доллари бериб, етказилган зарарларни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, кўрсатув берди.

Судланувчи М.Абдуллаевнинг жиноят содир этганликдаги айби унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари жабрланувчи



Б.Ганиевнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботини топади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида “Фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади. Фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар бўйича маълумотлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг нияти, ваколати (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёхуд қонуний асосларда фаолият юритувчи тадбиркор сифатида кўрсатиши ва ҳ.к.) тааллуқли бўлиши мумкин”-деб тушунтириш берилган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи М.Абдуллаевнинг ҳаракатлари хавфли рецидивист бўлгани ҳолда содир этилган деб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасида илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши кўрсатилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, муҳокама қилинаётган мазкур жиноят 2020 йил октябрь ойида содир этилган бўлиб, М.Абдуллаев ушбу вақтга қадар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси билан судланмаган.

Шунга кўра, суд судланувчи М.Абдуллаевнинг ўзганинг анча миқдордаги мулкни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритганликдан иборат ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандидан ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандига қайта квалификация қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи М.Абдуллаевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, жиноят содир этган вақтда судланмаганини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб ҳисоблаб, содир этган қилмишининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, у айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида аввалги ҳукм билан тайинланган жарима жазосини тўлиқ, озодликдан маҳрум қилиш жазосига қисман кўшиб, узил-кесил жарима ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 61-моддасига асосан жазоларни алоҳида ижро этишни, озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўташ муддатини аввалги ҳукм билан белгиланган муддатдан бошлаб ҳисоблашни, ЖКнинг 50-моддасига асосан умумий тартибли колонияларда ўтатиришни белгилашни лозим топади.

Суд, жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган қопланганини инобатга олишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Абдуллаев Мирзабдулла Убайдулла ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Абдуллаев Мирзабдулла Убайдулла ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Абдуллаев Мирзабдулла Убайдулла ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 160 баравари миқдорида 35.680.000 сўм жарима жазоси, 5 йил 8 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо ўташ муддати 2023 йил 16 мартдан бошлаб ҳисобланиб, умумий тартибли колонияларда ўтатирилсин.



Судланувчи М.Абдуллаевга мазкур жиноят иши бўйича қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилиниб, аввалги ҳукм бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани инобатга олинсин.

Жиноят оқибатида етказилган зарар қоплангани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида апелляция тартибида, суд ҳукми қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Наманган вилоят судига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Кенжабаев

“Ҳукм нусхаси аслига тўғри”

Туман судининг раиси

А.Кенжабаев

